Б гепатити вирусидан кейин жавоб

Жароҳатланганлар (соғлиқни сақлаш ходимлари) **Б гепатити** антикори
Ижобий: Таъсирдан кейинги хавфсизлик чоралари талаб қилинмайди

Жароҳатланганлар (соғлиқни сақлаш ходимлари) **Б гепатитининг** антикори
Салбий: - Б гепатити учун иммуноглобулин юбориш
- Эмлаш

С гепатити вирусидан кейин жавоб

- Самарали таъсирдан кейинги хавфсизлик чоралари йўқ
- 48 соат ичида антикор тести / вирус ҳажмининг текшируви
Ижобий: - Игна жароҳати олдин аллақачон юқтирилган
Салбий: - Соғлиқ ҳолатини кузатиб бориш
- 3 ҳафтадан сўнг вирус ҳажмининг текшириши
Ижобий: - Игна жароҳати тўғрисида шубҳа қилинган инфекция
Салбий: - Кузатув якунланади

ВИЧ вирусидан кейин жавоб

Таъсир манбаси (бемор)нинг ВИЧ антикори
Салбий: Таъсирдан кейинги хавфсизлик чоралари талаб қилинмайди

Таъсир манбаси (бемор)нинг ВИЧ антикори
Ижобий:
• Зудлик билан антиретровирус дориларни қабул қилишни бошлаб ва 4 ҳафта давом эттириш
• Таъсирдан сўнг 6-12 кун олаш, ҳомилаларнинг эмизишдан қочилади
• Таъсирдан сўнг, 6 ҳафтадан сўнг, 6 ойдан сўнг ВИЧ антикори текшируви

Сиз қилаётган иньекция, хавфсизми?

Ишлатиб бўлинган иньекция игналарини қаерга ташлаб юборасиз? Иньекция игналарини албатта хавфсизлик қутисига утилизация қилишингиз керак. Хавфсизлик қутисига игна ва шприцларни ортиқча тўлдириб юбориш ҳам хавфлидир. Қути ичининг ҳажми 80 фоиздан ошгандан сўнг, хавфсизлик қутисини алмаштиринг. Яна, хавфсизлик қутисига бемор ва ташриф буюрувчилар тегиш эҳтимолини олдини олиб, уни хавфсиз жойга қўйинг.

Сиз, бармоғингизни иньекция игнаси билан шикастлаган пайтларингиз бўлганми? Иньекция қилишга тайёрланаётган вақтда игна оқибатида шикастлансангиз, ўз қонингиз билан булганган дори ва иньекция воситаларини, албатта беморга буни ишлатмасдан, зудлик билан йўқ қилишингиз керак. Бошқа тарафдан, беморга ишлатилган иньекция игнаси орқали бармоғингизга шикаст етказган вақтда, сиз беморнинг қонидан юқтиришингиз мумкин. Қандай бўлмасин, хавфсиз иньекция қилишга ҳаракат қилиш ва игна жароҳатининг олдини олиш жуда ҳам муҳим. Ҳар эҳтимолга қарши, игна оқибатида жароҳатланганда нима қилиш кераклигини билайлик ва қон инфекциясидан сақланишни ўрганайлик.

Бир мартада игна жароҳати билан юқиш хавфи, Б гепатитида 30%, ВИЧ эса 0.3 % ни ташкил қилади. Албатта юқиш хавфи, игнанинг қалинлиги, жароҳатнинг чуқурлиги, бемордаги вирус миқдорига боғлиқ. Б гепатитининг юқишини эмлаш орқали олдини олиш мумкин, лекин С гепатити ва ВИЧга қарши вакциналар мавжуд эмас. Яна бир бор такрорлашга тўғри келади, игна жароҳатидан қочиш жуда ҳам муҳимдир.

Қачон игна жароҳати юз беради? Энг кўп игна жароҳати содир бўладигани, игнанинг қопқоғи билан ишлаш пайтидир. Яқинингизга хавфсизлик қутисини жойлаб, игна қопқоғини ёпмасдан игнани ташлаб юборинг. Яна, шприцда олинган қонни пробиркага ўтказиш вақтида ҳам, игна жароҳати тез-тез учрайди. Бундай вақтда, пробирка штативидан фойдаланиб, тўғридан-тўғри пробиркани қўл билан ушламасликка ҳаракат қилайлик. Шприцни қўлга топшириш ҳам хавфлидир. Ўзингиз етказиб беришингиз зарур бўлганда, шприцни албатта бирон бир патнисга қўйинг ва узатинг. Иньекция вақтида бемор тўсатдан кимирласа, сиз ва бемор жароҳатланиш эҳтимоли йўқ эмас. Иньекция қилишдан аввал, стул ва ётоқ ҳаракатланмаслиги, беморнинг ҳолати қулай эканлигини текшириб олинг.

Сиз бармоғингизни игна орқали жароҳатлаб олсангиз, ваҳимага тушишингиз мумкин, лекин хотиржамликни сақлаган ҳолда ҳаракат қилинг. Биринчи бўлиб, ярани совун билан оқова сувда ювилади. Кейин эса, муассаса кўрсатмаларига мувофиқ, игна жароҳати ҳақида хабар беринг. Сўнгра, таъсир манбасига айланган беморнинг Б гепатити, С гепатити, ВИЧ каби инфекция ҳолатларини текширинг. Агар беморнинг инфекция ҳолати номаълум бўлса, беморнинг розилиги билан қон текширувини ўтказилади. Агар Б гепатити ва ВИЧ вирусидан контакт бўлган бўлса, зудлик билан таъсирдан кейинги хавфсизлик чораларини амалга ошириш юқтириш хавфини сезиларли даражада камайтириш мумкин. Афсуски, С гепатит вирусидан самарали таъсирдан кейинги хавфсизлик чоралари йўқ.

Б гепатити вирусига дучор бўлгандан кейин нима қилиш керак, жароҳатланган соғлиқни сақлаш ходимининг антикори бор ёки йўқлигига боғлиқ. Эмлашни амалга ошириб, антикори бор инсонлар, юқтириб олиш хавфи йўқлиги учун, таъсирдан кейинги хавфсизлик чораларини талаб қилмайди. Эмлаш қилинмаган инсон ва антикори бўлмаган инсонлар, игна жароҳатидан кейин, Б гепатити учун иммуноглобулин юборилади ва эмланади. Таъсирдан кейинги хавфсизлик чораларини тўғри услубда амалга ошириш орқали, инфекциянинг олдини олиш эҳтимоли катта бўлади.

Ҳозирги кунда, С гепатити вирусига қарши самарали таъсирдан кейинги хавфсизлик чоралари мавжуд эмас. Жароҳатланган соғлиқни сақлаш ходимларининг юқтириб олиш ҳолатларини текшириб, соғлиқ ҳолатларини кузатиб борилади. Биринчи навбатда, жароҳатлангандан сўнги 48 соат ичида антикор тести, ёки вирус ҳажмининг текширилади. Агар шу нуктада тест натижаси ижобий бўлса, игна жароҳати олдин аллақачон С гепатити вирусини юқтириб олган бўлади. Агар салбий натижа бўлса, 3 ҳафта мобайнида соғлиқ ҳолатини кузатиб борилади.

3 ҳафтадан сўнг вирус ҳажми текширувида ижобий натижа бўлса, игна жароҳати оқибатида С гепатити вирусини юқтириб олганлигини аниқлади. Салбий бўлса, игна жароҳатига тегишли юқтириш ҳолатини йўқлигини билдириб, кузатув якунланади. ВИЧга дучор бўлгандан кейин нима қилиш кераклиги, таъсир манбасига айланган беморнинг антикори бор ёки йўқлигига боғлиқдир. Салбий бўлса таъсирдан кейинги хавфсизлик чоралари талаб қилинмайди. Ижобий натижа бўлса, игна жароҳатидан кейин зудлик билан антиретровирус дориларини қабул қилишни бошлаб, 4 ҳафта давом эттирилади. Иккиламчи инфекцияланишнинг олдини олиш учун, таъсирдан сўнг 6~12 ҳафта давомида қон олиш, ҳомилаларлик, эмизишдан қочилади. Жароҳатланган соғлиқни сақлаш ходимларини юқтириш ҳолатини текшириш учун, таъсирдан сўнг, 6 ҳафтадан сўнг, 6 ойдан сўнг ВИЧ антикорининг текшируви амалга оширилади. Таъсирдан кейинги хавфсизлик чораларини тўғри услубда амалга ошириш орқали, инфекциянинг олдини олиш эҳтимоли катта бўлади.

Бу маърузамизда хавфсиз иньекция ҳақида суҳбатлашдик. Биринчи марта иньекция қилганингизда, қўлларингиз қалтирган бўлиши мумкин. Лекин, энди сиз бунга ўрганиб қолиб, асосий эҳтиёт чораларини эътиборсиз қолдириясизми? Сизнинг озгина безъатиборлигингиз сабабли, қон инфекциясига олиб келиши мумкин. Келинг, дориларни тайёрлашдан бошлаб то иньекция игналарини утилизация қилишгача, инфекцияни яхшилаб олдини олишга ҳаракат қилайлик. Сиз қилаётган иньекция, хавфсизми? Илтимос, яхшилаб ўйлаб қўринг.

2—3
Муассаса муҳитини яхшилаш,
гигиенани бошқариш


Сиз ишлайдиган соғлиқни сақлаш муассасаси тоза ҳолатдами?



Зоналаштириш

Зоналаштириш

- Тоза зоналар ва ифлосланган зоналарни ажратиб фарқлаш
- Инфекциянинг олдини олиш учун, одамларнинг ва нарсаларнинг ҳаракатини бошқариш



Тоза зона ва ифлосланган зона

Тоза зона Юқори даражадаги тозаланиш талаб қилади	Ифлосланган зона Патогенлар билан ифлосланган бўлиши мумкин
Даволаш хонаси	Ҳолатхона
Дори тайёрлаш хонаси	Аллатхона
	Чикиндиларни йўқ қилиш хонаси

Ҳар бир зонага кириш ва чиқишда эътибор берилиши зарур бўлган чоралар



Босқичма-босқич зоналаштириш

(Масот) Операция хонаси	(Масот) Юқумли касалликларни алоқасиз қилиш бўлими
Тоза зона Стерилизация қилинган асбоб-ускуналарни бошқариш ва операция қилиш	Ифлосланган зона Юқумли касаллик билан касалланган беморларнинг хонаси
Ярим тоза зона	Ярим ифлосланган зона
Тиббий асбоб ва ускуналарни сақлаш	Шахсий ҳижома воситаларини кийиш ва ечиш

Муассасани тозалаш

Тегилиши юқори бўлган юза қисмлар

Эшик тутқичлари, ётоқ панжараси, стол, шаф, инфузион эритма стендлари, инфузион насос, замнаричи чакирчи тутмаси, чироқ тутқичлари каби



- 0.3%ли ёки 0.5%ли хлорли дезинфекция воситалари билан кунига бир мартадан ортиқ тозалаш
- Юқумли касалликлар авж олганда эса, хлорли дезинфекция воситалари билан тез-тез артиш

Муассаса муҳитини яхшилаш, гигиенани бошқариш ҳақидаги маърузани бошлаймиз.

Сиз ишлайдиган соғлиқни сақлаш муассасаси тоза ҳолатдами? Антисанитария соғлиқни сақлаш муассаса муҳитида патогенлар учун сақланиб қолиши осон бўлган жойга айланиб қолиши мумкин. Соғлиқни сақлаш муассасаси муҳити юзасига бириктирилган патогенлар соғлиқни сақлаш ходимлари ва беморларнинг қўллари орқали бошқаларга тарқалади. Бундай инфекциянинг олдини олиш учун қўл гигиенасини тўғри амалга ошириш муҳим, албатта, муассаса муҳитини яхшилаш, ва уни тоза сақлаш ҳам муҳимдир.

Дастлаб, инфекцияни олдини олиш учун муассасаларни зоналаштириш ҳақида ўйлайлик.

Зоналаштириш- бу тоза зона ва ифлосланган зоналарга ажратиб фарқланади. Одатда тиббий даволаниш ва ҳамширалик парвариши учун ушбу соҳаларни ажратиб турасизми? Зоналаштириш асосида одамларнинг ва нарсаларнинг ҳаракатини бошқариш орқали, исталмаган инфекциянинг хавфини камайтиради. Зоналаштириш меъёрлари ва бошқариш усуллари муассаса ёки бўлимга қараб фарқ қилади. Бу ерда, бирламчи соғлиқни сақлаш муассаса ва умумий бўлимларни зоналаштириш ҳақида фикрлаш керак.

Тоза зона, юқори даражадаги тозаланиш талаб қиладиган жойдир. Яраларни даволаш ва кон олиш учун даволаш хоналари ва дорини тайёрлаш хонаси тоза зона сифатида таснифланади. Бошқа тарафдан, ифлосланган зонада, патогенлар билан ифлосланиш эҳтимоли мавжуд. Ҳолатхона, ахлатхона, чиқиндиларни йўқ қилиш хонаси ифлосланган зоналар сифатида таснифланади. Соғлиқни сақлаш муассасаси ва бўлимларга қараб, қўшимча тоза зона ва ифлосланган зоналарга таснифланиши зарур бўлган зоналар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Сиз ишлайдиган соғлиқни сақлаш муассасасида зоналаштириш қандай амалга ошириляпти?

Тоза зоналарга патогенларни олиб кирмаслик учун, ҳамда ифлосланган зоналардан патогенларни тарқалмаслиги учун эҳтиёт бўлишингиз керак. Қўл гигиенасини тоза зонага киришдан олдин, ҳамда ифлосланган зонадан чиқишдан олдин амалга оширишингиз зарур. Шунингдек, тоза зонага ишлатилган тиббий асбоб-ускуналар каби ифлосланган нарсаларни олиб кирмасликка ҳаракат қилайлик. Бошқа томондан, ифлосланган зонага сфигмоманометр ва стетоскоп каби тоза сақланиши керак бўлган ускуналарни олиб кириш мумкин эмас. Ва ҳар бир зонада мавжуд бўлган нарсаларни агар алоҳида сабаб бўлмаса, зонадан ташқарига олиб чиқмаслик зарур. Масалан, тоза зонадаги даволаш воситалари, стул ва стол каби мебелларни бошқа жойларда фойдаланмасликка ҳаракат қилайлик. Ифлосланган зоналардан сийдик ва бошқа таҳлил учун ишлатиладиган асбоб-ускуналарни олиб чиқманг.

Тоза зона ва ифлосланган зоналарни каттиқроқ бошқариш зарур бўлган жойларда босқичма-босқич зоналаштириш амалга оширилиши мумкин. Масалан, операция хонасида, стерелизация қилинган асбоб-ускуналарни бошқариш, операция амалга ошириладиган тоза зона сифатида, унинг атрофидаги тиббий асбоб-ускуналарни сақлаш учун мўлжалланган ҳудуд ярим тоза зона деб ҳисобланади. Яна, юқумли касалликларни изоляция қилиш бўлими учун, касалланган беморларнинг хоналари ифлосланган зона ҳисобланади, шунинг учун ифлосланган зонага киришдан олдинги хона ва йўлақлар Шахсий ҳимоя воситаларини кийиш ва ечиш учун мўлжалланган ярим ифлосланган зона деб ҳисобланади.

Кейингиси, соғлиқни сақлаш муассасасини тозалаш тўғрисида текшириб кўрайлик.

Муассаса муҳитининг юза қисмлари, тегилиши юқори бўлган юза қисмлар ва тегилиши кам бўлган юза қисмлар таснифланади. Эшик тутқичлари ва ётоқ панжаралари каби нарсаларга кўпчилик тегиши мумкин бўлган тегилиши юқори бўлган юза қисмлар бўлиб, турли хил патогенлар ёпишиб олиш эҳтимоли мавжуд. Шунинг учун, тез-тез тозалаб туриш тавсия қилинади. 0.3%ли ёки 0.5%ли хлорли дезинфекция воситалари билан кунига бир мартадан ортиқ тозалайлик. Юқумли касалликлар авж олганда эса, хлорли дезинфекция воситалари билан тез-тез артиб туринг.


Тегилиши кам бўлган юза қисмлар

- Девор, парда, дераза рамкалари, шифт кабилар кўза кўринадиган кир ва доғлар пайдо бўлганда тозалаш, алмаштириш
- Пол
ҳар кун тозалаш



Полни тозалаш

- Нам латта билан артиш мақсада мувофидир
- Дезинфекция воситаларини пуркаш тавсия қилинмайди
- Дезинфекцияловчи воситани ўз ичига олган тозалаш эритмалардан фойдаланиш
- Тозалаш эритмаларини тез-тез ўзгартириш
- Тозалаш учун мўлжалланган воситаларни тоза сақлаш



Изоляция хоналарни тозалаш

- Изоляция хоналарни энг охирида тозалаш
- Фақат изоляция хоналар учун мўлжалланган тозалаш воситалардан фойдаланиш
- Тез-тез тозалаш
- Тозаловга масъул одам Шахсий химоя воситаларини кийиши

Қон, тана суюқлиги ифлосланишини тозалаш

- 1) Қон, тана суюқлигини артиб тозалаш
 - Кўлқопни кийиш
 - Ахлатни инфецияланган чиндици сифатида акратиш
- 2) 5%ли хлорли дезинфекция воситалари билан дезинфекция қилиш

Бактерицид лампаларни ишлатиш

Тозаловдан сўнг, бактерицид лампаларда хонани стерилизация қилиш

- Жаррохлик хонаси
- Қон олиш хонаси, инъекция қилиш хонаси
- Даволаш хонаси
- Тўғруқ хонаси
- Тиш даволаш хонаси
- Ўзига хос юқумли касаллик билан касалланган бемор хонаси, лаборатория (анаэроб инфецияси, сил каби)

Бактерицид лампаларни ишлатиш вақтидаги эҳтиёт чоралари

- Ультрабинафша нурлар тўғридан -тўғри таъсир қилмаган жойларда стерилизация амалга ошмайди
- Бактерицид лампалардан узоқда бўлса, етарли стерилизация таъсирига эришиш мумкин эмас
- Тозаловдан кейин, бактерицид лампаларни 30 дақиқа давомида ёпиб қўйиш
- Бактерицид лампаларни мунтазам равишда тозалаш
- Бактерицид лампалар ишлатилмаётган хонага кирмаслик

Иш муҳитини яхшилаш

5S/5C	Япон тилида	Инглиз тилида	Рус тилида
1	Seiri (整理)	Sort	Сортировка
2	Seiton (整頓)	Set	Соблюдение порядка
3	Seiso (清掃)	Shine	Содержание в чистоте
4	Seiketsu (清閑)	Standardize	Стандартизация
5	Shoke (整)	Sustain	Совершенствование

Девор ва пардалар каби тегилиши кам бўлган юза қисмлар, кўза кўринадиган кир ва доғлар пайдо бўлган пайтда тозалаш ва алмаштиришни амалга ошириш лозим. Полни эса, ҳар кун тозалаш тавсия қилинади.

Полни қандай тозалаш керак? Чангни ҳар ерга тарқалиб кетишини олдини олиш учун, чангюгич ёки супурги билан тозалашдан кўра, швабра ва латта билан тозалаш тавсия этилади. Шунингдек, дезинфекция воситаларни пуркаш тавсия этилмайди. Атрофни тоза сақлаш учун кимёвий пуркагич билан стерилизация қилишдан кўра артиб тозалаш орқали ифлосланиш ва микроорганизмларни йўқ қилиш самаралироқ. Дезинфекцияловчи воситалар ҳам фаррошлар ва беморларнинг соғлиги учун хавф туғдириши мумкин. Челақдаги тозаловчи суюқликда швабра бир неча марта ювилса, микроорганизмлар билан ифлосланади. Миркоорганизмларнинг кўпайишини олдини олиш учун, таркибда дезинфекцияловчи воситани ўз ичига олган тозалаш эритмаларидан фойдаланиш ва уни тез-тез ўзгартириш. Ҳамда, тозалаш учун мўлжалланган воситаларни тоза сақлаш зарурдир. Баъзан ифлосланган тозалаш воситаларни ишлатиш орқали ВБИ содир бўлиш ҳоллари ҳам мавжуд. Тозалаш воситаларни нам ҳолатда сақлаш сабабли микроблар осонликча кўпайиши мумкин, шунинг учун ҳаво айланиши яхши бўлган жойларда сақланг.

Патогенларнинг тарқалишини олдини олиш учун, тозалов тоза зонадан бошланиб ифлосланган зонагача, тартиб бўйича амалга оширилади. Касалланган беморларнинг изоляция хоналарини энг охирида тозалайлик. Изоляция хонасида тозалаш воситаларини фақат изоляция хонасида ишлатиш ва уни шу хонада сақланг. Изоляция хоналарнинг тозалови, бошқа жойларга қараганда тез-тез тозалашни тавсия қилинади. Фақат парвартиш қилаётган ҳамшира эмас, шунингдек тозаловга масъуллар ҳам Шахсий химоя воситаларини кийиши зарур.

Қон ва тана суюқликлари билан ифлосланган жойларни тозалашда, биринчи бўлиб, суюқликни сўриб олиш хусусиятга эга латта ёки қоғоз билан артиб олинг. Шундай пайтда, стандарт эҳтиёт чораси сифатида кўлқопни кийиб олинг. Қон ва тана суюқликларини сўриб олган латта ёки қоғозни инфецияланган чиндици сифатида ажратинг. Кўза кўринадиган ифлосланишларни тозалагандан сўнг, 5%ли хлорли дезинфекцияловчи восита билан тозалаш амалга оширилади.

Тозаловдан кейин, баъзи хоналар микробларга қарши бактерицид лампалар билан стерилизация қилинади. Жаррохлик бўлими, қон олиш хонаси, инъекция қилиш хонаси, даволаш хонаси, тўғруқ хонаси, тиш даволаш хонаси, анаэроб инфецияси ва сил каби ўзига хос юқумли касалликлар билан касалланган беморлар хонаси, лаборатория кабилар қиради.

Фақат ультрабинафша нурлар таъсир қиладиган сиртларда стерилизация амалга ошиб, нарсаларнинг ички қисми ва сояли қисмларда стерилизация амалга ошмайди. Шунинг учун, ультрабинафша нурларни тўғридан-тўғри таъсир қилиши учун, стерилизация қилмоқчи бўлган нарсани ағдаришингиз ёки бошқа жойга кўчиришингиз керак. Бундан ташқари, бактерицид лампалардан узоқда бўлса, етарли стерилизация таъсирига эришиш мумкин эмас. Бактерицид лампалар ёки стерилизация қилмоқчи бўлган нарсаларнинг ўрнини созланг. Бактерицид лампаларни тозаловдан кейин 30 дақиқа давомида ёпиб қўйинг. Агар бактерицид лампалар ифлосланган бўлса, стерилизация таъсири камаяди, шунинг учун бактерицид лампаларни мунтазам равишда тозаланг. Ва, бактерицид лампаларнинг ультрабинафша нурлари тери ва кўзнинг яллиғланишини келтириб чиқариши мумкин. Бактерицид лампалар ишлатилаётган хонага кирманг.

Сиз, 5C деб аталган иш муҳитини яхшилаш усулларида хабарингиз борми? 5C - бу Япония саноатида ишлаб чиқилган усул бўлиб, ҳозирда Япониядан ташқари, чет эл касалхоналарида ҳам иш муҳитини яхшилаш учун кенг қўламда фойдаланилади. Ушбу 5C деб аталган усуллари сизларга тақдим қиламиз.

5C-бу Япон тилида С ҳарфи билан бошланадиган 5 та сўз бўлиб, иш муҳитини тўғри бошқариш учун зарур бўлган ҳаракатлардир. Инглиз тилида ҳам С ҳарфи билан бошланадиган сўзлар бўлиб, рус тилидаги С ҳарфи билан бошланадиган сўзлар билан алмаштириш мумкин.

5S фаолиятининг тарихи

1S Ташкил қилиш : Кераксиз нарсаларни ташлаб юбориш, ёки кўчириш

2S Тартибга солиш : Белгиланган нарсани белгиланган жойга жойлаш

3S Тозалаш : Тозалаш ва тозаланиш сақлаш

4S Стандартлаштириш : 1S~3Sни давомлигини тизимлаштириш

5S Қўллаб-қувватлаш : 1S~4Sни ихтиёрий равишда бажаришга одатланиш

5S фаолиятининг самараси

- Кенг ва очиқ майдон яратди ва соғлиқни сақлаш ходимларининг ҳаракатланишини қулайлаштиради
- Нарсаларни кидириш вақтини қисқартиради
- Тозалиқни сақлайди ва инфекция хавфини камайтиради
- Иш жойида жамоавий ишлашни яхшилади

↓

Иш самарадорлиги
Соғлиқни сақлаш хизматининг қафқисизлигини ошириш
Соғлиқни сақлаш ходимлари ва беморларнинг қониқшини яхшилаш

Хавфсиз ва қулай иш муҳитини мақсад қилиб, келинг, олдимизда турган кичик нарсаларни ўзгартиришдан бошлайлик.

3-1
Инфекция йўли бўйича эҳтиёт чоралар

Инфекция йўли бўйича эҳтиёт чоралари нима?

Алоқа инфекция сига қарши чоралар	Томчи инфекция сига қарши чоралар	Ҳаво инфекция сига қарши чоралар
--	--	---

Стандарт эҳтиёт чоралар (*2-1га қаранг)

Инфекция йўлини тўсиш

Алоқа инфекцияси

Алоқа инфекцияси - бу бемор билан бевосита ёки билвосита алоқада бўлиш орқали содир бўлади.

Алоқа инфекциясига қарши эҳтиёт чоралар

- Махсус хоналарга айлантиш орқали беморларни бошқариш (тавсия)
- Касаллик турига қараб, беморларни бошқариш
- Ётоқ атрофи, бемор тегиши мумкин бўлган нарсаларни дезинфекция қилиш
- Ишлатилган қўлқопларни турли услубда йўқ қилиш

Томчи инфекцияси

Беморнинг томчиларини бошқа биров нафас олиши натижасида келиб чиқади

5 та Сни англатувчи фаолиятни тушунтирамиз. Ташкил қилиш- бу иш жойидаги нарсаларни ажратиб, кераксиз нарсаларни ташлаб юбориш ёки бошқа жойга кўчиришни аниглайди. Тартибга солиш- белгиланган нарсаларни белгиланган жойга қўйиш ва ишлашни осонлаштириш учун тўғри тартибга солинади. Тозалаш- қундалиқ равишда, тозалаш ва тозаланиш сақлашни аниглайди. Стандартлаштириш-1Сдан 3Сгача бўлган фаолиятни ҳар бир ходим бир хил тарзда амалга ошириш учун тизимлаштиришни аниглайди. Қўллаб-қувватлаш-1Сдан 4Сгача бўлган фаолиятни ҳар бир ходим ихтиёрий равишда бажаришга одатланишини аниглайди.

5С фаолиятини амалга оширишнинг қандай самараси мавжуд? Иш жойининг муҳитини тартиблаш орқали бўш ва кенг майдон яралиб, соғлиқни сақлаш ходимларининг ҳаракатланишини қулайлаштиради. Игна жароҳати ва беморларни йиқилишининг олдини олиши мумкин. Шунингдек, нарсаларни озода сақлаш орқали, нарсани кидириш учун сарфланадиган вақт қисқариб, даволаш ва ҳамшира парваришини янада самарали қилиши мумкин. Нотўғри дориларни қабул қилишнинг олдини олишга ва беморларнинг кутиш вақтини қисқаришига олиб келади. Ва муассасани тоза сақлаш орқали, инфекция хавфини камайтира оласиз. 5С тадбирларида ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилиш орқали жамоавий иш яхшиланадиган бўлади. 5С фаолияти нафақат иш жойини тоза тутади, балки иш самарадорлигини оширади, соғлиқни сақлаш хизматининг қафқисизлигини яхшилади ва соғлиқни сақлаш ходимлари ва беморларнинг қониқшини яхшилади. Сиз ҳам албатта, иш муҳитини яхшилаш учун 5С усулларини қўллашга ҳаракат қилинг.

Бу маърузада, муассаса муҳитини яхшилаш, гигиенани бошқариш ҳақида фикрладик. Ҳар куни бир хил иш жойида ишласангиз, бу муҳитга кўникиб, муаммоларни эътиборсиз қолдиришингиз мумкин. Бундан ташқари, хавфсиз ва қулай иш муҳитини яратиш, шу ерда ишловчи барча ходимларнинг ёрдами билан яратилиши, сақланиши лозимдир. Илтимос, ҳамкасбларингиз билан иш муҳитини қайтадан кўриб чиқинг. Келинг, олдимизда турган кичик нарсаларни ўзгартиришдан бошлайлик.

Инфекция йўли бўйича эҳтиёт чоралари ҳақидаги маърузани бошлаймиз.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида биз стандарт эҳтиёт чораларидан юқори бўлган эҳтиёт чораларини талаб қиладиган патогенларни юқтирган беморлар учун алоқа инфекцияси, томчи инфекцияси ва ҳаво инфекцияси бўйича эҳтиёт чораларини кўраимиз. Бу ҳар бир инфекция йўли учун эҳтиёт чорасидир

Табиат оламида турли хил патогенлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос йўл билан инсонларга юқади. Ушбу йўлни тўсиб қўйиш жуда муҳимдир.

Алоқа инфекцияси бу бемор билан бевосита ёки билвосита алоқада бўлиш орқали содир бўлади.

Мулоқот орқали юқиш эҳтимолининг олдини олиш учун, махсус хоналарга ажратиш орқали беморларни бошқариш тавсия этилади. Аслида, худди шу касаллик билан касалланган беморларни бир хонага жойлаш орқали бошқариш мумкин. Инфекциясини келтириб чиқарадиган баъзи патогенлар, панжара ва эшик туткилар каби нарсаларга ёпишиб, узоқ вақт тирик қолади. Шунинг учун, ётоқ атрофи ва бемор тегиши мумкин бўлган нарсаларни дезинфекция қилиш жуда муҳимдир. Сизнинг иш жойингизда дезинфекция ва тозалаш ишларига масъул шахс борми? Дезинфекция ва тозалаш бўйича жадвал мавжудми? Термометр ва сфигмоманометрдан фойдалангандан сўнг, кейинги фойдаланишдан олдин тўғри дезинфекция қиласизми?

Томчи орқали юқиш, беморнинг йўталиши ёки аксириши натижасида ҳосил бўлган томчиларни нафас олиши натижасида келиб чиқади. Томчи орқали юқиш эҳтимоли, оддий суҳбат орқали юқиши мумкин. Бундан ташқари, трахеядан сўриб олиш ва бронхоскопия каби табиий муолажалар ҳам томчи инфекциясини келтириб чиқариши мумкин.

Томчи инфекциясига қарши эҳтиёт чоралар

- Махсус хоналарни аяратиш оралиги беморларни бошқариш
- Ҳар бир касалтни турига қараб, беморларни бошқариш
- Ётиқ оралиқда нафас 2 метрдан ортиқ бўлиши керак
- Ётоқларни нафас билан аяратиш
- Соғлиқни сақлаш ходимлари, бемор ва оила аъзолари тиббий никобдан фойдаланиши



Камбадан 2 метр

Ҳаво инфекцияси

Ҳаво инфекцияси- бу ҳаводаги бактерия ва вирусларнинг томчи ядроларини нафас олиш натижасида келиб чиқади



Ҳаво инфекциясига қарши эҳтиёт чоралар

- Оқтириб олган одамларни изоляция қилиш (депрессия қилган хона, изоляция хоналари)
- N95 никобини тақши (соғлиқни сақлаш ходимлари ва бемор, оила аъзолари)

Жарроҳлик никобини тақши тавсия қилнади (бемор)



Бир нечта инфекция йўллари бўйича ишлаш

COVID-19, вирусли геморагик иситма сингари, бир нечта инфекция юқиш йўллари тўсиб қўйиш керак




Беморнинг аломатига қараб эҳтиёт чоралари...

Агар бемор йўталаётган бўлса...

Бошқа одамларга юқиши мумкин...


- Турли никоб тақши бўйича кўрсатма
- Сочик қабилар билан оғизни тўсишни айтиш
- Кўп юқиш бўйича турли кўрсатма
- Кўтиш хонасида бошқа беморлардан узоқроқ туриш



Агар чақалоқларда диарея ва қушиш бўлаётган бўлса...

Ифлосланган нарсаларни йўқ қилиш мақсадга мувофиқ...


- Тагликни йўқ қилиш усулини текшириш
- Парваришдан олдин ва кейин қўлларни яхшилаб ювиш
- Парваришдан кейин атрофни тозалаш, дезинфекция қилиш



Агар антибиотикларни қабул қилаётган беморларда диарея бўлса...

Антибиотиклар таъсири бўлиши мумкин...

- Антибиотикларга чидамли бактерия тури каби юқити
- Кавайтлар эҳтиётли борми
- Бошқа беморларга инфекцияни тарқатишни олдини олиш учун тўлиқ пелена
- Жамода инфекцияни назорат қилиш усулини тасдиқлаш
- Керак бўлганда қўзғатувчи бактерияни аниқлаш



Сиз инфекция йўли бўйича эҳтиёт чораларини тўғри танлай оласизми?

Ёлғиз сиз эҳтиёт чораларига амал қилишингиз мантиққа тўғри келмайди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларда амалга ошириладиган эҳтиёт чоралар, тиббий бўлимлар ва у ерда ишловчи инсонлар билан бирга, бир жамоа бўлиб амалга ошириш керак.

3-2

Даволаш йўли орқали инфекциянинг олдини олиш чоралари

Томчи орқали юқишга қарши чоралар тушунчаси ҳам, алоқа инфекцияси олдини олиш чораларига ўхшайди. Беморларни махсус хонада бошқариш тавсия этилади, аммо айни касалликка чалинган беморларни битта хонада бошқариш ҳам мумкин. Қачон махсус хонани бошқариш ёки гуруҳни бошқариш қийин бўлса, ётоқлар орасини парда билан ёпиш керак. Ёки, ётоқларни 2 метрдан ортиқ оралиқдаги масофада сақланг. Ётоқнинг бош томонидан оёқ томонигача тахминан 2 метр бўлиши керак. Соғлиқни сақлаш ходимлари, беморлар ва уларнинг оила аъзолари жарроҳлик никобини тақишлари зарур.

Намлик томчилардан буғланиб, қолган майда заррачалар томчи ядролари деб аталади. Томчи ядролар узоқ вақт ҳавода сузади. Ҳаводаги томчи ядроларни нафас олиш орқали, уларга бирикиб олган патогенларни юктириб олиш ҳаво орқали юқиш дейилади. Ҳаво айланиши яхши бўлмаган жойларда, ҳаводан юқиш эҳтимоли бўлиши мумкин.

Ҳаво инфекцияларни олдини олиш учун беморнинг хонаси алоҳида бўлиши керак ёки юктирган одамни махсус бўлимда ажратиш керак. Соғлиқни сақлаш ходимлари ва оила аъзолари N95 никобини тўғри услубда тақишлари зарурдир. Албатта, беморлар жарроҳлик никобини тақишлари тавсия этилади. Хусусан N95 юз никоби оддий никобларга қараганда герметик хусусияти юқорироқ бўлиб, уни таққан инсон ҳаво этишмасликни ҳис қилиши мумкин. Аммо, бўшлиқлари бўлган никоблар, ёки юзнинг ўлчамига мос келмайдиган никоблар инфекцияни олдини олиш учун етарли даражада самарали эмас. Сиз, N95 юз никобидан тўғри қўлланаясизми?

Ҳозиргача, биз 3 хил юқиш йўлларида мос алоҳида эҳтиёт чораларни кўриб чиқдик, аслида кўшимча бир нечта эҳтиёт чораларини талаб қиладиган юқумли касалликлар жуда ҳам кўп. Масалан, глобал пандемияга сабаб бўлган СОВИД-19да, томчи инфекциясига қарши чоралар ва алоқа инфекциясига қарши чоралар, иккаласи ҳам керак. СОВИД-19 билан ҳам, соғлиқни сақлаш муассасаларда инфекциянинг олдини олиш асослари бир хил. Стандарт эҳтиёт чоралари пухта амалга оширинг ва ҳар бир инфекция йўли учун тегишли эҳтиёт чораларини кўринг.

Соғлиқни сақлаш соҳасида, беморнинг аломатларга қараб, вазиятга қараб жавоб бериш жуда ҳам муҳим. Мисол учун, агар бемор йўталаётган бўлса, томчи инфекциясидан эҳтиёт бўлиш керак. Агар бемор никоб тақмаган бўлса, никобни тақишлиги ҳақида кўрсатма беринг. Агар никоб бўлмаса, сочик қабилар билан оғизни тўсиш ҳам самарали эҳтиёт чорасидир. Баъзи одамлар йўталаётганда қўлларини оғзига қўядилар. Бундай ҳолда, инфекция томчилари қўлларга ёпишиб, атроф-муҳитга тегиши билан тарқалиши мумкин. Бемордан қўлларини яхшилаб ювишини сўранг. Шунингдек, кутиш хонасида жой бўлса, беморлар орасида жой қолдиринг. Томчи инфекциясини келтириб чиқарадиган юқумли касалликларга грипп ва кизилча қиради. Бундай касалликларнинг соғлиқни сақлаш муассасаларида тарқалишидан эҳтиёт бўлинг.

Чақалоқларда кўпинча диарея бўлиши ва тана ҳарорати кўтарилиши мумкин. Чақалоқлардаги диарея ротавирус инфекцияси сабабли чиқиши мумкин, шунинг учун инфекцияни тагликдан юктирмаслик учун эҳтиёт бўлинг. Тагликни йўқ қилишнинг иложи борми? Тагликни алмаштиргандан кейин албатта қўлингизни ювинг. Шунингдек, касал болаларнинг оналари ва оила аъзоларига таглик билан ишлаш ва қўлларини ювиш ҳақида кўрсатма беринг. Агар касал бола қўсса, ифлосланган нарсаларни белгиланган усулда йўқ қилиб, йўқ қилгандан кейин албатта қўлларингизни ювинг. Парваришдан кейин, тўғри усулда тозалов ёки дезинфекцияни амалга оширинг.

Антибиотикларни қабул қилаётган беморда антибиотикларга чидамли бактерия тури каби юқумли касалликлар келиб чиқиши мумкин. Агар беморда антибиотикларни қўллашни бошлаганидан кейин диарея бўлса, инфекциядан шубҳаланинг, худди шу хонадаги беморларга тарқалишидан эҳтиёт бўлинг. Айниқса, нажасни йўқ қилишни тўғри бажариш керак. Бемор билан боғлиқ бўлган барча ходимларга, шу жумладан соғлиқни сақлаш ходимлари ва ҳамширалар, балки фаррошларга ҳам инфекцияни назорат қилишнинг тўлиқ олдини олиш учун зарур тушунтиришларни бериб, инфекцияни тўлиқ назорат қилинг. Агар керак бўлса, қўзғатувчи бактерияларни ҳам аниқлаш зарур.


Соғлиқни сақлаш муассасада сизнинг атрофингизда турли хил патогенлар яшайди. Сизнинг бепарволигингиз сабабли ВБИ кенгайиши ҳам мумкин. Аммо, сиз ўзингизнинг ҳаракатларингиз билан ушбу хавфни камайтиришингиз мумкин. Стандарт эҳтиёт чоралари ва инфекция йўли бўйича эҳтиёт чоралари- бу мақсадга эришиш воситасидир. Бироқ, стандарт эҳтиёт чоралари ва инфекция йўли бўйича эҳтиёт чораларини ёлғиз амал қилиш мантиқий эмас. Соғлиқни сақлаш муассасаларида инфекцияни олдини олишда тиббий бўлимларда ва бўлимларда ишлайдиган одамлар жамоа бўлиб амал қилишлари керак. Сиз ва ҳамкасбларингиз ВБИ ни олдини олишнинг аҳамияти билан ўртоқлаша оласизми?

Даволаш йўли орқали инфекцияланишнинг олдини олиш чоралари ҳақидаги маърузани бошлаймиз.

Тиббий муолажа оқибатида инфекцияланиш

- Сийдик йўли инфекцияси
- Қон оқими инфекцияси
- Сунъий ҳаво айлантириш аппарати билан боғлиқ пневмония
- Жарроҳлик жойи инфекцияси

Сийдик йўли инфекцияси



Сийдик йўли инфекциясини олдини олиш чоралари

- Сийдик чиқариши осонлаштирадиган катетерлардан сакланиш
- Катетер киритиш пайтида пухта асептик муолажа
- Сийдик чиқариш катетерларидан фойдаланиш муддатини қисқартириш

Сийдик чиқариш катетерлари билан ишлаш



Қон оқими инфекцияси



Қон оқими инфекциясини олдини олиш чоралари

- Инфузион эритмани оғиз орқали қабул қилиш ёки назогастик найча орқали қабул қилишга ўзгартириш
- Уч томонлама юрадиган крандан фойдаланишда нотўғри ишлатилиши тўхтатиш
- Тўлиқ тозалик
- Марказий веноз катетер киритиш жойини тўғри танлаш

Инфузион эритма юбориш пайтидаги эҳтиёт чоралари

- Тешиш жойини ҳар куни кузатиб бориш
- Яллиғланиш каби аномалликларни дарҳол кўриш
- Тешиш жойи учун шаффоф қоплама матолардан фойдаланиш
- Қоплама матоларни мунтазам равишда алмаштириш

Сунъий ҳаво айлантириш аппарати билан боғлиқ пневмония



ВБИ тиббий муолажа орқали юктириш сабабларини ўз ичига олади. Энг кўп учрайдиган инфекцияларга, сийдик йўли инфекцияси, қон оқими инфекцияси, сунъий ҳаво айлантириш аппарати билан боғлиқ пневмония, жарроҳлик жойи инфекцияси кабилар киради. Ушбу маърузада, биз тиббий муолажа орқали келиб чиқадиган инфекциялар ҳақида суҳбатлашамиз.

ВБИ да 3 дан 1 қисми сийдик йўли инфекциясидир. Бундан ташқари, уларнинг 70%дан 80% гача бўлганлари, сийдик катетерлари туфайли юзага келади. Агар сийдик катетери орқали патогенлар юкса, осонликча инфекцияни келтириб чиқаради.

Сийдик йўли инфекцияси олдини олиш учун, энг аввало, кераксиз сийдик катетерларидан фойдаланишни тўхтатиш керак. Сийдик тутумаслик каби ноқулайликни тўғдириши сабабли, сийдик чиқариш катетерларидан фойдаланишни тавсия қилинмайди. Ўз кучи билан сия оладиган беморлар учун катетерларни ишлатманг. Аммо, оғир беморларни парвариш қилишда ва жарроҳликда сийдик миқдорини аниқ ўлчаш зарур бўлганда, сийдик катетеридан фойдаланиш мумкин. Сийдик катетерини киритиш пайтида, пухта асептик муолажани амага оширайлик. Тоза қисм ва ифлосланган қисмларни онгли равишда ажрата олаёйсизми? Шу билан бирга, сийдик катетерини киритиш қанчалик тўғри бўлмасин, катетердан фойдаланиш инфекция хавфини бартараф қилмайди. Катетердан фойдаланиш пайтида, беморда инфекция белгилари бор ёки йўқлигини, эҳтиёткорлик билан кузатиб бориш. Бундан ташқари, бемор учун катетерни жойида қолдириш керакми ёки йўқлигини ўйлаб кўрайлик. Сийдик катетерларидан фойдаланиш муддатини бир кунга бўлса ҳам қисқартириш орқали сийдик йўли инфекциясининг олдини олиш мумкин.

Ҳамма, сийдик катетерини тўғри услубда ишлата олаётми? Сиз, янги сийдикни намуна учун олаётганингизда тоза ишлаётганингизга ишончингиз комилми? Намуна тўплаш учун катетер оғзини спиртли пахта билан дезинфекциялашни унутиб қўймадингизми? Агар унутиб қўйсангиз, патогенларни кириб олишига йўл қўясиз. Сийдикни чиқарилгандан сўнг сийдик найчаларини ҳам спиртли пахта билан дезинфекциялайлик. Бундан ташқари, трубкани сумкада сақлашга ишонч ҳосил қилайлик. Сийдик учун мўлжалланган халтани ташқарида очик ҳолатда қолдирманг. Сийдик катетерини киритиш пайтида, стерилланган тиббий асбоблар ва қўлқопдан фойдаланишингиз керак. Сийдик учун мўлжалланган халталаридан сийдик орқага оқиб кетмаслиги учун, халтани сийдик пуфагидан пастроқ жойга жойлаштиришни тўғри амалга оширайлик.

Инфузион эритмаларни юбориш пайтида қон оқими инфекциясидан эҳтиёт бўлайлик. Агар инфузион эритма юбориладиган жойдан патоген кириб инфекцияланишни келтириб чиқарса, сепсис хавфи ортади, бу эса ўта хавфлидир.

Инфузион эритма орқали инфекцияланишнинг олдини олиш учун, биринчи ўринда, кераксиз инфузион эритмаларни юборишни тўхтатиш керак. Масалан, глюкозани инфузион эритма орқали эмас, балки оғиз орқали ёки назогастик найча орқали юборишга ўзгартириш мумкин. Агар бу антибактериал препарат бўлса, инфузион эритма орқали эмас, балки оғиз орқали қабул қилиш мумкин. Уч томонлама юрадиган крандан фойдаланиш юктириш хавфини ошириши мумкинлигини айтилмоқда. Сизлар, уч томонлама юрадиган крандан керагидан ортик фойдаланмаяёйсизми? Шунингдек, инфузион эритма юборилгандан сўнг, томир ичига юбориш йўлини шундоқлигича қолдириш яхши эмас. Агар бирон бир сабабга кўра вена ичига юбориш йўлини қолдирмоқчи бўлсангиз, уни тоза сақлашда эҳтиёткор бўлинг. Бундан ташқари, гепарин катетерининг блокланиши содир бўлса, тоза муолажага риоя қилинг. Марказий веноз катетерини киритиш жойи ифлосланиши осон бўлган қорин ости соҳаси эмас, балки бўйнида ёки ўмовотида суягида бўлиши керак.

Инфузион эритмани юбориш пайтида, инфузия учун мўлжалланган тешиш жойи ва беморларнинг умумий ҳолатини кузатиб бориш. Инфузион эритма учун мўлжалланган тешиш жойи атрофида флебит содир бўлиши мумкин. Тери кизариши, иссиқлик ҳисси, оғриқ, шиш каби яллиғланишларни кўздан қочирмайлик. Инфузион эритма учун мўлжалланган тешиш жойини доимий равишда кузатиб бориш жуда ҳам муҳим. Кузатушни осонлаштириш учун эса шаффоф қоплама матолардан фойдаланайлик. Қоплама матолар аста-секин ифлосланади. Қоплама матоларнинг ифлосланиши қон айланиш тизимининг инфекцияланишига сабаб бўлади. Қоплама матоларни вақти-вақти билан алмаштиришга ишонч ҳосил қилайлик.

Тиббий муолажа билан боғлиқ инфекцияланишларга, шунингдек, сунъий ҳаво айлантириш аппарати билан боғлиқ пневмонияни ҳам ўз ичига олади. Одатда, сунъий ҳаво айлантириш аппаратидан фойдаланганда, иситиш учун намагаичдан фойдаланилади. Натижада, сунъий ҳаво айлантириш аппарати тизимидаги конденсация патогенларнинг кўпайишига ва беморнинг ичига оқиб тушишига сабаб бўлади. Ушбу сабаб, сунъий ҳаво айлантириш аппарати билан боғлиқ пневмонияни келтириб чиқаради. Хусусан, беморнинг ҳолатини ўзгартириш ёки тозалаш, танасини ҳаракатга келтириш пайтида эҳтиёт бўлиш зарурдир. Бундан ташқари, сунъий ҳаво айлантириш аппаратидан фойдаланиш пайтида, оғиз бўшлиғида бактериялар миқдори кўпайиши, патогенларнинг трахеяга киришини

Сунъий ҳаво айлантириш аппарати билан боғлиқ пневмонияга қарши чоралар

- Тиббий асбоб-ускуналарни мунтазам равишда дезинфекция қилиш, стерилизация қилиш ва алмаштириш
- Бир марта ишлатилмаган махсулотларни қайта ишлатмаслик
- СЎА аппарати тармоқда тулғандиган конденсацияни мунтазам равишда олиб ташлаш
- Қоватлар 30–45 даражачага кўтарилиш ҳусусиятига эга бўлиши
- Найча ва шунга ўқашларни кесиб, тиғилб қилишнинг олдини олиш
- Оқини парвариш қилиш мунтазам равишда амалга оширилади
- Мунтазам тешириш


Жарроҳлик жойи инфекцияси



Жарроҳлик жойи инфекциясининг олдини олиш чоралари


Бемор

- Операциядан бир кун олдин душ қабул қилиш, чўмилиш
- Операциядан бир ой олдин чекишни тўхтатиш
- Турги балансли оватланиш




Соғлиқни сақлаш ходимлари

- Турги услубда кўп гигиенаси, Шахсий ҳимоя воситалардан фойдаланиш
- Турги услубда асептик муолажа



Жарроҳлик жойини даволаш пунктлари

- Тивув жойида стерил бўлмаган матони ишлатмаслик
- Дренажни эрта олиб ташлаш
- Йирингли дренаждан эҳтиёт бўлиш
- Яллигланиш белгиларидан эҳтиёт бўлиш



Сизлар, кундалик тиббий муолажаларингизни тоза бажаряпсизми?

Тоза тиббий муолажа, беморлар ва уларнинг оила аъзоларини қўлай ҳис қилишларига ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширади.

Тўғри услубда тиббий муолажани амалга ошириш соғлиқни сақлаш билан боғлиқ инфекцияларнинг олдини олайлик.

3-3
Тиббий асбоблар ва дори-дармонларни гигиеник бошқариш

Тиббий асбоб-ускуналарни бошқариш



Стерилизация, дезинфекция, ювиш усули

Стерилизация
Барча микроорганизмлар, шу жумладан спораларни йўқ қилиш усули (юқори босими буғ стерилизацияси, газли стерилизация қаблар)

Дезинфекция
Кўп миқдордаги микроорганизмларни йўқ қилиш усули (Алкоголни ва хлорни дезинфекцияловчи воситалар каби инимвий воситалардан фойдаланиш)
Дезинфекцияловчи воситалар билан ишлашда эҳтиёт бўлинг

Ювиш
Объектдан ифросили ва органик моддаларни йўқ қилиш усули

осонлаштиради. Яна, трахеяни сўриб олиш усули тўғри амалга оширилмаса, пневмония хавфини оширади.

Сунъий ҳаво айлантириш аппарати билан боғлиқ пневмонияни олдини олиш учун, сунъий ҳаво айлантириш аппарати ва унинг атрофини тоза сақлаш жуда ҳам муҳимдир. Ҳар доим янги сунъий ҳаво айлантириш тармоғидан фойдаланиш ва тармоқдаги зичликка эҳтиёт бўлинг. Юқорида кўтариш функциясига эга кроватда бемор танасининг юқори қисмини 30 даражадан 45 даражачага кўтариб қуяйлик. Сунъий ҳаво айлантириш аппарати қисмларини бемор танасидан пастроқ даражага тушиб кетмаслиги, бошқа катетерлар билан кесишиб қолмаслигига эҳтиёт бўлайлик. Мунтазам равишда оғиз парваришини амалга ошириш жуда ҳам муҳимдир. Сунъий ҳаво айлантириш аппарати нафақат ҳар доим жуда ҳам эҳтиёткорлик билан ишлатилади, балки кундалик текшириш ҳам жуда муҳим.

Жарроҳлик жойи инфекцияси, бу жарроҳликдан сўнг 30 кун ичида операция қилинган жойининг инфекцияланишидир. Бунда беморнинг аҳволи, жарроҳлик хонасининг муҳити, тиббий асбоб-ускуналарнинг тозаллиги ва соғлиқни сақлаш ходимларининг муомаласи таъсир қилади. Сўнгги вақтдаги операцияларда, жуда ҳам кичик тешик очиб эндоскопик жарроҳлик қилиш кўпаймоқда, ammo операция туфайли беморларга тушаётган оғирлик оз эмас. Беморга кераксиз оғирликни кўпайтирмаслик учун жарроҳлик йўли инфекциясининг иложи борича олдини олиш зарур.

Жарроҳлик жойи инфекцияси олдини олиш учун, бемор амал қилиши, соғлиқни сақлаш ходимлари амал қилиши керак бўлган ишлар мавжуд. Биринчиси, бемор операциядан бир кун олдин албатта чўмилиб, баданни тозалаши зарурлигини айтилайлик. Агар ёлғиз чўмилиши қийин бўлса, соғлиқни сақлаш ходими оила аъзоларидан ёрдам сўраши керак. Агар оила аъзолари ёрдам бериши қийин бўлса, соғлиқни сақлаш ходимлари беморга ёрдам бериши керак. Агар бемор чекувчи бўлса, операциядан бир ой олдин чекишни тўхтатиши керак. Чекиш вазоконстрикция туфайли гипоксия ва никотин туфайли ярани даволашни кечикишини келтириб чиқаради деб айтилади. Қондаги шакар даражаси баланд бўлишлиги инфекция хавфини оширади. Юқори қон шакарига эга беморга тўғри балансли оватланишни тавсия қилайлик. Хусусан, қандли диабет билан касалланган беморда жарроҳлик жойи инфекцияси хавфи баланд бўлиб, шакар миқдорини назорат қилишда эҳтиёт бўлинг. Жарроҳлик жойи инфекцияси соғлиқни сақлаш ходимлари сабабли келиб чиқиши ҳам мумкин. Нафақат операция пайтида, балки жароҳатларни парвариш қилиш пайтида, албатта қўл гигиенасини амалга ошириш, ВБИ ни тўғри услубда кийиншингиз керак. Операцияда, стерилланган асбоб-ускуналардан фойдаланиш. Сизда, бундай стерилизация ускунасининг тўғри услубда асептик манипуляцияси мавжудми?

Жарроҳлик жойи инфекцияси олдини олиш учун, жарроҳликдан сўнг зудлик билан даволаш муҳим аҳамиятга эгадир. Операциядан сўнг 48 соат давомида ташқаридан патогенларнинг киришини олдини олиш учун қоплама матолар билан ҳимоя қилайлик. Органлар ва тана бўшлиқларини кузатиш учун дренажлар қўйилиши мумкин. Ammo, дренажнинг киритиш қисмлари ва чиқариш қисмлари орқали патогенлар кирса, инфекция содир бўлади. Дренажни узоқ вақт қўллашдан эҳтиёт бўлайлик. Зотан жарроҳлик жойи инфекцияси содир бўлган бўлса, яранинг атрофи ва дренаж ҳам йирингли бўлишлигини унутманг. Ҳар доим яранинг атрофи ва умумий ҳолатни кузатиб боринг, яллигланиш аломатлари бор ёки йўқлигини текшириб боринг.

Сизлар, кундалик тиббий муолажаларингизни тоза бажаряпсизми? Кундалик муолажаларни тўғри усулда амалга ошириш соғлиқни сақлаш билан боғлиқ инфекцияларни олдини олишнинг асосидир. Бундан ташқари, тиббий ёрдамда тозалик беморлар ва уларнинг оила аъзоларига қўлайлик яратади. Натижада, бу тиббий ёрдам сифатини ҳам яхшилайди. Тўғри услубда тиббий муолажани амалга ошириб, ВБИ ни олдини олайлик.

Тиббий муассасаларда ишлатилмаган тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонларни гигиеник бошқариш ҳақидаги маърузани бошлаймиз.

Кўплаб тиббий асбоб-ускуналарни ҳар гал фойдалангандан сўнг, стерилизация ва дезинфекция қилинади. Тозалиқни сақлашнинг ўзига хос усули, ушбу жиҳознинг хусусиятларига ва ишлатилишига боғлиқ. Бундан ташқари, бино ва бўлимга қараб ҳам, стерилланган ва дезинфекция қилинган асбоб-ускуналарни сақлаш усули фарқ қилади. ВБИни олдини олиш учун, тиббий асбоб-ускуналарни тўғри услубда бошқариш жуда ҳам муҳимдир.

Тиббий асбоб-ускуналардан фойдалангандан сўнг, стерилизация, дезинфекция қилиниши ва ювилиши зарурдир. Стерилизация, барча микроорганизмлар, шу жумладан, спораларни йўқ қилиш усулидир. Дезинфекция, кўп миқдордаги микроорганизмларни йўқ қилиш усули бўлиб, ускуна тури ва айрим патоген турига қараб турли хил дезинфекция усуллари мавжуд. Бироқ баъзи дезинфекцияловчи воситалар инсон танаси учун жуда захарли бўлганлиги учун, уларни ишлатишда жуда ҳам эҳтиёт бўлинг. Ювиш, ювиш воситаси ёрдамида асбоб-ускуналардан органик моддаларни йўқ қилиш усулидир. Тиббий асбоб-ускуналарнинг ҳар бир қўлланилишига мос келадиган усулдан фойдаланиш.

Тиббий асбоб-ускуналарнинг стерилизацияси, дезинфекцияси, ювиш			
Тиббий асбоб-ускуна турлари	Авалдан ускуналар	Оқидан ишлов бериш	Қайта ишлаш усули
Таванинг асептик ишлари учун ишлатиладиган ускуналар	Жарроҳлик асбоб ускуналари Лапароскоп Жарроҳлик қисқичлари кабилар		Стерилизация
Шиллик қават ва шикастланган қисмлар учун ишлатиладиган ускуналар	Дезинфекция Небулайзер АИВУ сумкаси кабилар	Қўзга қўринадиган доғларни ювиш	Дезинфекция
Соғлом тери учун ишлатиладиган ускуналар	Термометр Стегоскоп Сфигмоманометр кабилар		Дезинфекция


Тананинг асептик қисмларида ишлатиладиган ускуналар

Ишлатишдан олдин

- Пакет шикастланганлиги ёки асбоб-ускуналар
- Ифлосланганлиги ёки йўқлигини текшириш, агар шикастланган ёки ифлосланган бўлса уни ишлатмаслик

Ишлатишдан сўнг

- Стерилизация оқидан ювиш
- Ювилгандан сўнг ускуна турига қўра стерилизация қилиш
- Стерилизациядан сўнг, қадоддаги стерилизация санасини, яроқлилик муддатини қабилярни кўрсатиш



Шиллик қават ва шикастланган қисмларда ишлатиладиган ускуналар

Ишлатишдан сўнг, қўзга қўринадиган доғларни ювиш

Ювилгандан сўнг, ускунага ва қўлланилишига қараб стерилизация қилиш (Масалак: спиртли дезинфекция, хлорли дезинфекция, ультрабунафа ша нузли дезинфекция)




Соғлом тери учун ишлатиладиган ускуналар

Ишлатишдан сўнг, қўзга қўринадиган доғларни албатта ювиш

Ювилгандан сўнг, спиртли дезинфекцияловчи ёки хлорли дезинфекцияловчи воситалар билан дезинфекция қилиш



Дори-дармонларнинг гигиеник бошқаруви



Дезинфекцияловчи, ингаляторлар, қўз томчи дори ва мазъи малҳам дори, қўзларни бошқариш

- Дори идишнинг тешиги, қолдонинг ички қисмига бармоқлар тургидан-тўғри тегса, уни йўқ қилиш
- Тургидан-тўғри қўёш нури, беванд ҳароратдан эҳтиёт қилиш, тешили ҳароратда сақлаш
- Сув каби бегона моддалар аралашини мумкин бўлган муҳитда сақлаш
- Агар сўнгилгандан сўнг дори суоқлигида бегона модда ёки гайригайрий нарса аниқланса, уш нуқтада дори ни йўқ қилиш
- Дори идишига сўнгилган савани ёзиш



Инфузион эритма дориларни бошқариш

- Юқори калорияли инфузион эритма дориларни ишлатишдан олдин совуттида сақлаш
